

Зомин мурувват ногирон бўлган шахс учун аёллар интернат уйи (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Фозилов бир томондан ва иккинчи томондан ООО ARSENAL Ж (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи С.Тангиркулов мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

№	Махсулот номи	Фойдаланиш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Сумма	НДС %	Суммаси
1	Зомин мурувват ногирон бўлган шахс учун аёллар интернат уйи биносини жорий тамирлаш		услуга	1	94000000	81739130	12260870	94 000 000

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил «25» июнга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати:

2022 йил. «25» июндан

2022 йил. «31» декабрьгача

Пудратчи ишларни олдин бажариш ҳуқуқига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи 30 (ўттиз) банк кун давомида пудратчига шартнома қийматининг 30% миқдорда олдиндан бўнақ тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 30 (ўттиз) банк кун муддатдан кечиктирмасдан буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга кирилади ва «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 10 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги туғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

### 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартнома НДС билан баҳоси 94 000 000 (Тўқсон тўрт миллион сўм) сўмни ташкил қилади.

4.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов бўнақ тўлаш билан босқичма-босқич асосида амалга оширилади.

4.2.1. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади

### 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилиши бартараф этишдан этмайди.

## 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳридаги вилоят хужалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сустраслик билан тухташиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхташиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Яқуний қондалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан ва Ҳазначилиқдан тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага илова: Тўлов жадвали, бажариладиган ишлар сметаси

## 10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

ООО ARSENAL

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзили: Жиззах вилояти Жиззах тумани Ёшлик маҳалласи

Телефон/факс: +99897 295 00 69

Х/В: 20208000504307796001

Банк номи: ТИФ МИЛЛИЙ БАНК Жиззах вилояти филиали

МФО: 00121 СТИР: 204815535

ОКОНХ \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

«Зомин мурувват ногирон бўлган шахс учун аёллар интернат уйи»

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Зомин тумани Истиклол ҚФЙ Ём қишлоғи

Тел.факс: 95 504 53 53

Ш/Р: 100021860082187101204344001

Бюджетдан олувчи СТИР: 201462836

ОКОНХ\_87200

Молия вазирлиги Ҳазначилиги

х/р: 23402 000 300 100 001 010

Тошкент ш. Марказий банк ХККМ МФО: 00014

ОКОНХ: 97160, ИНН: 201122919

Рахбар:



С.Тангиркулов

(Ф.И.Ш.)

Рахбар:



Н.Фозилов

(Ф.И.Ш.)

## Ҳуқуқшунос хулосаси:

Мазкур шартнома курсатилган муносабатлар ва шартнома шартлари, тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси №670-І сонли "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонунни ва бошқа қонунлар талабларига мувофиқ тўғри таёрланиб, расмийлаштирилган. Хулоса берувчи

Ҳуқуқшунос :

Янгибоев Тулкин

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 105485 на приобретение Жиззах вилояти  
Зомин тумани Истиқлол ҚФЙда жойлашган Зомин мурувват ногирон бўлган шахс учун  
аёллар интернат уйи биносини жорий тамирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 21.06.2022

Время рассмотрения 21.06.2022 19:36

Конкурсная комиссия Зомин Мурувват ногиронлар учун аёллар интернат уйи, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	DADABOYEVA KIMYO MAMASOLIYEVNA	Комиссия Азоси	1
<b>Секретарь комиссии</b>	MIRZIYAYEV DILSHOD SHAHKATOVICH	Котиб	1
<b>Член комиссии</b>	ABDUQODIROV SARDORBЕК BAXODIR O'G'LI	Комиссия азоси	1
<b>Член комиссии</b>	SOIROVA KOMILA KURBONOYEVA	Комиссия азоси	1
<b>Член комиссии</b>	MIRG'YOSOV ZAFAR MELIQO'ZIYEVICH	Крмиссия азоси	1
<b>Член комиссии</b>	MAMATQULOV XAMZA MUSURMANOVICH	Комиссия азоси	1

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.06.2022 года № лота 105485.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Жиззах вилояти Зомин тумани Истиқлол ҚФЙ жойлашган Мурувват уйи биносини жорий тамирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	94 718 433.00
Стартовая сумма	94 718 433.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ ва бошқа корхоналардан қарздор эмаслиги тугрисидаги маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва бошқа корхоналардан қарздор эмаслиги тугрисидаги маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	Солиқ ва бошқа корхоналардан дебитор кредитор қариздорлик йук	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO ARSENAL	25	Солик ва бошка туловлардан қариздолик йук. Маълумотнома бириктирилди	15	Экспертная		

Критерий №2 аъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: аъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	Ташкилотимиз 3 тамахсус техника мавжуд ҳамда 35 га якин доимий иш билан таъинланган ишчи ходимлар мавжуд	15	Экспертная		
OOO ARSENAL	25	ташкilotимизда учта курилиш ва таъмирлаш учун махсус техникамиз бор. уттиз бешга якин ишчи ходимларимиз фаолият юритади. маълумотлар базага бириктирилади	15	Экспертная		

Критерий №3 Корхона гувоҳномаси алоқа рақамлари ва юридик адреси тугрисида маълумот киритилсин.

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона гувоҳномаси алоқа рақамлари ва юридик адреси тугрисида маълумот киритилсин.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	25	ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН УТГАНЛИГИ ТУГРИСИДА ГУВОХНОМА НУСХАСИ ИЛОВА КИЛИНАДИ.	15	Экспертная		
OOO ARSENAL	25	Гувоҳнома такдим қилинади. Базага бириктирилади	15	Экспертная		

Критерий №4 Корхона молиявий ҳолати буйича маълумот талаб этилади (баланс ва молиявий натижа)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона молиявий ҳолати буйича маълумот талаб этилади (баланс ва молиявий натижа)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	25	Молиявий холатимиз яхши	15	Экспертная		
ООО ARSENAL	25	Молиявий натижамиз яхши. Бириктирилди	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	94 718 433.00	94 718 433.00	21.06.2022 16:48:15	19.85
ООО ARSENAL	94 718 433.00	94 000 000.00	21.06.2022 17:03:21	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ERK KAPITAL LUXE MCHJ	42.4	19.8483	62.2483
ООО ARSENAL	48	20	68

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 105485 от 21.06.2022 года на приобретение Жиззах вилояти Зомин тумани Истиқлол ҚФЙда жойлашган Зомин мурувват ногирон бўлган шахс учун аёллар интернат уйи биносини жорий тамирлаш определила победителем:

ООО ARSENAL  
204815535

и резервный исполнитель: ERK KAPITAL LUXE MCHJ (306231451)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MIRG'ITYOSOV ZAFAR MELIQO'ZIYEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	DADABOYEVA KIMYO MAMASOLIYEVNA	Согласен	
Член комиссии	ABDUQODIROV SARDORBЕК BAXODIR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	SOIPOVA KOMILA KURBONOYEVA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП